



ООО "XB FINANSE KONSULTING" АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

«Қорасув пахта тозалаш» АЖ нинг 2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**«Қорасув пахта тозалаш» АЖ
раҳбариятига**

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

МЧЖ «XB FINANSE KONSULTING»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал даҳаси 11/12. Телефон 252-37-04, Факс: +998 71 150-23-01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.05.2005 йилда № 321 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 11.04.2019 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000809 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 2020 8000 6044 0871 2001 ХАТБ «DavrBank» Чилонзор ф-ли, МФО-01046, СТИР 205666530, ИФУТ 69202.. email: XB.Finance-konsultin@[mail.ru](mailto:XB.Finance-konsultin@mail.ru).

Аудиторлик ташкилоти директори: Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540 аудитор малака сертификатига эга.

Аудиторлик текшируви утказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

«Қорасув пахта тозалаш» АЖ Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман хокимияти томонидан 19.11.1990 йилда №62 сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган ва гувоҳнома олган.

Хисоб рақами 2021 4000 9001 3281 2001, "АГРОБАНК" АТБ ЎРТАЧИРЧИК ФИЛИАЛИ марказий амалиёт булими, МФО 00475, ИФУТ: 13101 ИНН: 200582878.

Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Тинчлик маҳалласи, Мунаввар кўчаси, 52-уй.

Корхона директори: Ходжаев Гайбулло.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган №05540 аудитор малака сертификати, аудиторлик ташкилоти билан «Қорасув пахта тозалаш» АЖ ўртасида 19.04.2021 йилдаги 10/03-21 сонли шартномага асосан «Қорасув пахта тозалаш» АЖнинг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги

хисобот” – форма № 2 -шаклларидан иборат молиявий ҳисоботнинг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Қорасув пахта тозалаш» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Қорасув пахта тозалаш» АЖ нинг 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ шаклидаги «ХВ FINANSE KONSULTING»
Аудиторлик ташкilotи директори, аудитор:**



Handwritten signature

М.С.Пузимов

Хулоса тузилган сана:

29 апрель 2021 йил